


Қуръони азимнинг Нисо сура-
сида шундай ояти карима кела-
ди: «Қачон сизларга бирон ибо-
ра билан салом берилса, сизлар
ундан чиройлироқ қилиб алик
олинглар ёки (ҳеч бўлмаса) ўша
иборани қайтаринглар. Албатта,
Аллоҳ ҳамма нарсани ҳисобга
олгувчи бўлган Зотдир».



Шайх Алоуддин МАНСУР

САЛОМ – СУННАТ, АЛИК – ФАРЗ

«Салом» деган инсон
Аллоҳни зикр қилган
бўлади.

Биз «салом бер-
моқ» деб ифодала-
ган «таҳийя» сўзи-
нинг маъноси
аслида «умр тила-
моқ» деганидир.
Қадимдан араблар
бир-бирларини кўр-
ганда «ҳайякаллоҳ
– Аллоҳ сенга умр бер-
син», деб омонлашишар
эди. Дини ислом бу иборани
«салом» сўзи билан алмаштирди.
Зотан, «салом»нинг маъноси ҳам
«омонлик – тинчлик тилаш» дегани-
дир. Шунингдек, салом – аҳли жан-
натнинг жаннатдаги омонлашиш-
ларидир: «Уларнинг (жаннатларда
қиладиган) дуолари: «Аллоҳим,
Ўзингни поклаймиз», дейиш, у жойда-
ги ўзаро саломлари (бир-бирларига)
тинчлик тилашдир. Охирги тилакла-
ри эса барча оламлар Парвардиго-
ри – Аллоҳга ҳамду сано айтишдир»
(Юнус сураси, 10-оят).

Улуғ динимиз исломнинг исми
ҳам саломдан олинган бў-
либ, ислом тинчлик – омон-
лик динидир. Ислом ҳаёти
дунёда ҳаммага тинчлик
тилайдиган, охиратда эса
мусулмонларни тинчлик-
омонлик диёри бўлмиш
жаннатларга элтадиган
диндир.

Шунингдек, балки энг
муҳими, «Салом» Аллоҳ та-
олонинг тўқсон тўққиз исми-
дан биридир. Ибн Ваҳб Аб-
дуллоҳ ибн Масъуд розияллоху
анхудан ривоят қилади: «Ас-Салом»
Аллоҳ азза ва жалланинг исмларидан бир
исмдирки, уни Ерга туширди. Бас, сизлар
уни ўрталарингизда ёйинглар. Албатта,
бир киши одамларга салом берса ва улар
алик олсалар, у киши учун улар олдида бир
даража фазл бўлади, чунки у ўша одам-
ларга Аллоҳнинг исмини эслатади. Аммо
улар алик олмасалар, улардан яхшироқ ва
покроқ фаришталар алик оладилар». Бас,
«Салом» деган инсон Аллоҳни зикр қилган
бўлади. Шу боисдан ҳам бу шарофатли
сўз – «Ассалому алайкум» айтилганида
дўстлар ўртасидаги меҳр-муҳаббат зиёда
бўлади, аразлашганлар ярашиб қолади,
ҳатто душманлар дўстга айланади.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, сизлар то мўмин бўлмагунларингизча жаннатга кирмайсизлар, то бир-бирларингизни яхши кўрмагунларингизча мўмин бўлмайсизлар. Мен сизларга агар амал қилсаларингиз ўрталарингизда муҳаббат пайдо қиладиган бир нарсани ўргатайми? Ўрталарингизда саломни ёйинглар, яъни бир-бирингизга салом беришни кўпайтиринглар!» деб марҳамат қилганлар.

Салафи солиҳларимиз умрлари давомида бу улуғ кўрсатмага амал қилиб ўтдилар. Нофеъ айтиди: «Мен Шом фуқаҳоларидан Абдуллоҳ ибн Закариё билан ёнма-ён уловда кетаётган эдим, отим тўхтаб қолди. Ҳеч қанча вақт ўтмай унга етиб олдим-у, салом бермадим. Шунда Абдуллоҳ: «Салом бермайсанми?» деди. Мен: «Ҳозир бирга эдик-ку?» деган эдим, у айтди: «Шундай бўлса ҳам. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари бирга кетаётганларида олдиларидан дарахт чиқиб қолса-ю, улар бўлинишиб дарахтнинг икки томонидан ўтсалар ҳам қайтадан ёнма-ён бўлганларида бир-бирларига салом берар эдилар».

Бухорий ва Муслим Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Исломдаги энг яхши хислатлар қайси?» деб сўраганида: «Ўзинг таниган кишига ҳам, танимаган кишига ҳам таом ва салом бермоғингдир», дедилар.

Насоий ривоят қилган ҳадиси шарифда Имрон ибн Ҳусайн розияллоҳу анҳу айтди: «Биз Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида эдик, бир киши келиб: «Ассалому алайкум» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алай-

ҳи васаллам алик олдилар ва «Ўнта», деб қўйдилар. Бошқаси келиб: «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам алик олдилар ва «Йигирмата», деб қўйдилар. Яна биров келиб: «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуху» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам алик олдилар ва «Ўттизта» деб қўйдилар.

Бошқа бир ривоятда ушбу саноклар тафсир қилинган ҳолда ҳам келган. Яъни мусулмон мусулмонга «Ассалому алайкум» деса, унинг учун ўнта ҳасанот – яхшилик ёзилади, агар «Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳ» деса, унинг учун йигирмата ҳасанот ёзилади, агар «Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуху», деса, унинг учун ўттизта ҳасанот ёзилади. Шунингдек, алик олганда ҳам айна тартибда ҳасанотлар ёзилади.

Ушбу ва яна бошқа кўплаб ҳадислар далолат қилишича, мусулмон мусулмонга салом бериши суннат амаллардан бўлса, ўрганаётганимиз ояти карима далолатича, саломга алик олиш фарз амаллардандир. Чунки Ҳақ таоло бизни саломга алик олишга, алик олганда ҳам саломдан-да чиройлироқ, камида баробар алик олишга буюрди.

Агар таъбир жоиз бўлса, салом-алик худди қарз олди-бердисига ўхшайди. Қарз берувчи ўз ихтиёри билан беради, олувчи эса қарзни қайтариши фарздир.



Қуръони азим мусулмонларни саломга алик олишга буюрар экан, мусулмон ҳеч кимдан ҳатто маънавий жиҳатдан ҳам қарздор бўлиб қолмаслиги кераклигини уқтиради. Айрим уламолар ушбу оят тафсирида акса урган ва «Алҳамдулиллоҳ» деган одамни «йарҳамукаллоҳ – Аллоҳ сизга раҳм қилсин», деб дуо қилган кишиларга «йаҳдийкумуллоҳу ва йуслиҳу балакум – Аллоҳ сизларни ҳидоят қилсин ва ишларингизни ўнглсин», деб жавоб қилиши ҳам саломга алик олиш қабилидандир, деб тафсир қилсалар, бошқа уламоларимиз: «Бу оятда сўз бировлар ҳадя берса, қайтариш ҳақида боради, «таҳийя» сўзининг бир маъноси ҳадя деганидир, деб тафсир қилганлар.

Албатта, ушбу ояти каримада сўз салом-алик ҳақида деган тафсир қувватлироқ, чунки бу маънони Юнус сурасининг 10-ояти ҳам тасдиқлайди. Аммо шу билан бирга мусулмон ўз зиммасида бировнинг ҳақи қолиб кетмаслигига ҳаракат қилиш керак экани барча тафсиirlарда ўз ифодасини топгандир.

Агар салом бергувчи ҳозир бўлмасдан, олисда туриб салом йўллаган бўлса ҳам алик олиниши керак.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Оиша розияллоҳу анҳога «Жаброил сенга салом айтди», деганларида, Оиша онамиз: «Ва алайҳиссалому ва роҳматуллоҳ – унга ҳам салом ва Аллоҳнинг Раҳмати бўлсин», деб худди ёнида турган одамнинг саломига алик олгандай жавоб қилган (Бухорий ривояти).

Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «Отам сизга салом айтиб юборди», деганида, «Ва алайка ва алайҳиссалом – сенга ҳам, отанга ҳам салом бўлсин», деб алик олдилар (Абу Довуд, Насоий ва бошқалар ривояти).

Шариати исломийяда нафақат тирикларга, балки марҳум бўлган мусулмонларга ҳам салом бериш ҳақида кўрсат-

малар бор. Пайғамбар алайҳиссалом майитларга ҳам худди тирикларга салом бергандек салом берар эдилар.

Муслим, Насоий ва бошқалар ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қабристонга борганларида: «Ассалому алайкум, эй мўмин қавм диёри, биз ҳам, иншо Аллоҳ, сизларга қўшилгучимиз», деганлар.

Агар бир кишига салом берилса ҳам бирлик шаклида «Ассалому алайка – сенга салом бўлсин», демасдан «Ассалому алайкум – сизларга салом бўлсин», деб кўплик шаклида айтиш саломлашиш одобларидандир. Имомимиз Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳининг устози, тобеинлардан бўлган Иброҳим Нахайй розияллоҳу анҳу: «Бир кишига салом берсанг ҳам «Ассалому алайкум» дегин, чунки у билан бирга фаришталар ҳам бор», деган.

Ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам биз умматларига «Ўрталарингизда саломни ёйинглар», деб амр қилар эканлар, саломлашиш йўл-йўриқларини ҳам батафсил баён қилиб берганлар.

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинди: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Ўтиб кетаётган жамоатдан бир кишининг салом бериши ҳаммалари учун етарлидир, ўтирганлардан ҳам бир кишининг алик олиши ҳаммаларига кифоя қилади».

«Озчилик кўпчиликка салом беради» (Бухорий ва Термизий ривояти).

Зайд ибн Аслам розияллоҳу анҳу ривоят қилди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Отлиқ яёв кетаётган кишига салом беради, қавмдан бир одам салом берса, барчалари учун етарлидир».

«Тик турган одам ўтирган одамга, кичик каттага салом беради» (Бухорий ривояти).

Салом-аликни жаҳрий қилиш салом-

лашиш суннатларидандир. Бухорий Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда: «Салом берганингда эшиттириб айт, чунки салом Аллоҳ ҳузуридан келган омонликдир», дейилган.

«Салом масаласи майда масала», дейдиган кимсалар чиқиши ҳам, мусулмонлар бир-бирларига салом беришни «унутиб» қўйишлари, бунинг оқибатида меҳр-оқибат тушунчалари аста-секин унутилиши ҳам, тинчлик-омонлик маъносини билдирувчи салом кўтарилиши билан жамиятдан ҳақиқатдан ҳам тинчлик кўтарилиб кетиши ҳам... барча-барчаси ҳамма нарсани ҳисобга олгувчи Аллоҳ таолога аёндир. Ким Расулуллоҳнинг суннатлари деб салом беряпти, ким Аллоҳнинг амри деб саломга алик оляпти, ким унисини ҳам, бунисини ҳам қилмаяпти – буларнинг ҳаммаси У Зотга аёндир...

Азиз сабоқдошим, агар ушбу ояти карима маъно-мазмунини тушунган бўлсак, келинг, биз ҳам улуғларимизга эргашиб, бу буюк суннатни ҳаётимизда жонлантирайлик, дунё ва охирадаги омонлигимизга сабаб бўладиган, ҳар айтганимизда амал саҳифаларимизга ҳасанотлар ёзиладиган «Ассалому алайкум» умримиз давомида ҳамроҳимиз бўлсин ва инша Аллоҳ, Яратганнинг фазл-марҳамати билан жаннатларда ҳам бир-биримизга «Ассалому алайкум», дейиш бахти барчамизга насиб этсин.

Вассалому алайкум.



Эркин АЪЗАМ,
«Тафаккур» журнали
бош муҳаррири

Тафаккур бирла билгай...

Униси-буниси тақдиридан нолиб қолса, кекса онамиз койиб ташлайдилар: «Пешона, пешона деб ўтирадимиз одам, каллани нима учун берган Худойим?!»

Ана шундай, бандаси табиатан тайёрига ўчроқ. Ўйлаб, бош қотириб ўтиргунча инobatли бирор оғиздан чиққан ҳукму андозаларга амал қилиш осон-да. Бу ҳол бора-бора таомилга айланади, таомил – анъанага. Қарабсизки, энди унга анчайин бир муносабат билдириш ҳам гуноҳи азим. Ваҳоланки, ўша урф-одатлар аллақачон пўпанак бойлаб улгурган, тараққиётга тушов бўлиб турибди, уларни замонга жадал мосламоқ зарур. Бунинг учун эса руҳий танбалликдан мардона воз кечиб, тафаккур ила, теран идрок ила, фикрий жасорату пухтакорлик ила ишга киришмоқ талаб этилади. Бу мулоҳазалар замирида биз ислом динига асрлар оша илашган айрим даққи қарашларни, бидъату хурофотни назарда тутмоқдамиз.

Хўш, улардан халос бўлмоқнинг саҳиҳ йўллари борми?

Такроран айтганда, «хас-хашак»ни дадил четга суриб, асл манбага чин ихлос билан ёндашув, унинг бекиёс ҳукму ҳикматларини дилга жойламоқ лозим. Ана шундагина турли ғалат талқинларга, мазҳаббозлигу гуруҳбозликларга ўрин қолмайди. Ана шундагина ҳаёт-мамотимиз қомуси бўлмиш дини исломни оламари обрўсизлантириш ҳаракатларига барҳам берилган бўлади. Қуръони каримдан беш-ўн сурани ёд билишу оҳангини келтириб қироат қилиш, шариат аҳкомларига доир тўрт-бешта мисол айтиб авомни лол қолдириш билангина бунга эришиб бўлмайди, албатта. Мунтазам ижодий-амалий ёндашувга асосланган ақл меҳнати керак, тафаккур меҳнати керак. «Ҳар ишки қилмиш одамизод, Тафаккур бирла билмиш одамизод» дея ҳазрат Навоий бежиз таъкидламаган.

Янги нашр бўлмиш «Ислом тафаккури» журнали, бизнингча, ана шундай эҳтиёжлар замирида дунёга келаётир. Унинг вазифаси чинакам диний моҳият сари теранлашув баробари кўнгилларда адлу инсоф ва олижаноблик туйғуларини тарбиялаб, янги замонга хизмат қилмоқдан иборат бўлгуси, инша Аллоҳ.